

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 30.08.2018.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ҚИЛИЧЕВ ХАЙРУЛЛА МАМАТОВИЧ**

**ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03. – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation**

**Қиличев Хайрулла Маматович**

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-  
хуқуқий мақомини такомиллаштириш..... 3

**Қиличев Хайрулла Маматович**

Совершенствование гражданско-правового статуса органов  
самоуправления граждан..... 27

**Kilichev Khayrulla Mamatovich**

Improving of civil-legal status of citizens of  
self-governing bodies..... 48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 30.08.2018.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ҚИЛИЧЕВ ХАЙРУЛЛА МАМАТОВИЧ**

**ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03. – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.PhD/Yu112 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нарматов Нуриддин Соатмурадович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Раҳмонкулова Нилуфар Ҳожи-Акбаровна**  
юримдик фанлар доктори

**Меҳмонов Қамбариддин Мирадхамович**  
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Божхона институти**

Диссертация ҳимояси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги юримдик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича DSc.30.08.2018.Yu.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «30» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани Чорсу кўрғони. Тел.: (998971) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; [mg-hti@umail.uz](mailto:mg-hti@umail.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани Чорсу кўрғони. Тел.: (998971) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2019 йил «16» декабрда тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» .....даги \_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**М.Х. Рустамбаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

**М.М.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юримдик фанлар доктори, доцент

**М.Б.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кейинги йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими бошқарувнинг энг куйи босқичи, демократик давлатнинг ажралмас белгиси ҳамда жамиятни ижтимоий бошқаришнинг бир тури сифатида эътироф этилаётган бир пайтда, ушбу тизимни тартибга солиб турувчи миллий қонунчиликни такомиллаштириш бугунги кун давр талабига айланмоқда. Албатта, «мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизни ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда»<sup>1</sup>.

Жаҳонда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишнинг ҳозирги босқичида ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, хорижий давлатларда ўзини ўзи бошқариш органларига марказий муассасаларнинг ваколатлари (айниқса, маҳаллий аҳамиятга эга ваколатлар)ни босқичма-босқич ўтказиш, соҳага оид халқаро ва миллий қонунчилик ривожига алоҳида эътибор қаратиш анъанаси амал қилаётганлиги ушбу масаланинг долзарблигидан далолатдир.

Мамлакатимизда кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини куриш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида «халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш талабининг тобора ортиб бориши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири, 2013) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги ПФ-5700-сон «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 2 апрелдаги ПФ-5700-сон «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари қоида-талабларини янада такомиллаштириш, ижросини таъминлаш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирокини кенгайтириш масалалари Ўзбекистон Республикасида етарли даражада ўрганилмаган.

Хорижлик олимлардан P.Heywood ва A.Smith, S.Cornell ва J.Kalt, A.Astrauskas, R.Fazliu, H.Wollmann, R.Aijaz, Chun-Pin Su, Ch.Lu, Kh.Osmanova, A.Sauer кабилар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг конституциявий қафолатларини, ушбу тизимда коммуналарнинг ўрни, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасининг қиёсий-таҳлили, тарихий ва назарий жиҳатлари, ҳуқуқий асосларини илмий таҳлил этганлар<sup>1</sup>.

МДХга аъзо давлатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мақоми, уларга давлатнинг муайян ваколатларини ўтказиш билан боғлиқ

---

<sup>1</sup> Smith A., Heywood P. Regional government in France & Spain. JR, 2000. – p.40.; Cornell S., P.Kalt J. Alaska Native Self-Government and Service Delivery: What Works? // Joint Occasional Papers on Native Affairs №. 2003-01 – nni.arizona.edu.; Cornell S., P.Kalt J. Alaska Native Self-Government and Service Delivery: What Works? // Joint Occasional Papers on Native Affairs №. 2003-01 – nni.arizona.edu; Astrauskas A. The Influence of Local Government in the United Kingdom on the Local Self-Government in Lithuania // Studies in Sociology of Science Vol. 5, No. 2, 2014, pp. 67-73 // www.cscanada.net; www.cscanada.org.; Fazliu R. European Charter a fundamental document for the organization of local self-government system // European Academic Research Vol. III, Issue 8/ November 2015 // euacademic.org; Wollmann H. Local Government Reforms in Great Britain, Sweden, Germany and France: Between Multi-Function and Single-Purpose Organisations // Local Government Studies, Vol.30, No.4, Winter 2004, pp.639 – 665; Aijaz R. Challenges for Urban Local Governments in India // [www.lse.ac.uk/collections/asia\\_research](http://www.lse.ac.uk/collections/asia_research) Centre.; Chun-Pin Su. The Guarantee of Local Self-Government in the Japanese Constitution: The Theory and Practice // Article. 2006. P.59-73. Aijaz R. Challenges for Urban Local Governments in India // [www.lse.ac.uk/collections/asia\\_research](http://www.lse.ac.uk/collections/asia_research) Centre.; Chun-Pin Su. The Guarantee of Local Self-Government in the Japanese Constitution: The Theory and Practice // Article. 2006. P.59-73; Ch.Lu. Popular Support for Community Self-government in Urban China // Business and Public Administration Studies, 2014, Vol. 8, No. 1 // Published by the Washington Institute of China Studies. All rights reserved. - P.69-76 // www.bpastudies.org; Osmanova Kh. M. Compare Spatial Differences in the Types of Local Self Governance amid Europe Countries and Azerbaijan Republic // American Scientific Research Journal for Engineering, Technology, and Sciences (ASRJETS) (2015) Volume 13, No 1, pp 221-226 // <http://asrjetsjournal.org>; Sauer A. The System of the Local Self-Governments in Poland // Research Paper 6/2013.

масалалар Е.В.Аврамова, А.В.Астукалов, М.И.Бутырина, Л.П.Волкова, Л.И.Гадельшина, С.В.Гончаров, И.Г. Журина, М.Ю.Зенков, Ю.В.Кондрашов, А.П.Мельников, С.Б.Нанба, А.И.Черкасов каби олимлар томонидан ўрганилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда юридик шахс сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мақоми билан боғлиқ масалаларнинг муайян жиҳатларига Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, М.Ҳ.Раҳмонқулов, Р.Ж.Рўзиев, Ш.Н.Рўзиназаров, Ф.Сайфуллаев, М.Б.Усмонов, Т.Умаров, Ф.Ю.Шодманов, Н.Ф.Имомов каби ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида эътибор қаратилган<sup>2</sup>. Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи фанлари йўналишида М.Бойдадаев, Ш.И.Жалилов, О.Т.Хусанов, Г.Р.Маликова, Г.С.Исмаилова, З.Р.Рўзиев, А.Дадашева, Я.Олламов, З.Реймова, М.И.Сувонқулов, А.Тўлаганов ҳамда тарихчи олима

---

<sup>1</sup> Аврамова Е. В. Конституционно-правовое регулирование государственного контроля за осуществлением органами местного самоуправления отдельных государственных полномочий: Автореф. дис...кан. юрид. наук. – М.: «Российская правовая академия Министерства юстиции Российской Федерации», 2012. – 23 с.; Астукалов А.В. Реализация полномочий органов местного самоуправления в сфере жилищно-коммунального хозяйства: Автореф. дис...кан. юрид. наук. – Москва: АНО ВПО «Московский гуманитарный университет», 2013. – 25с.; Бутырина М.И. Зарубежные модели местного самоуправления // Вестник Ивановского государственного энергетического университета. – 2008 г. – № 1.; Волкова Л.П. Правовые основы разграничения полномочий между органами исполнительной власти Российской Федерации, субъектов Российской Федерации и органами местного самоуправления: Автореф. дис...кан. юрид. наук. – Саратов: ГОУ ВПО «Саратовская государственная академия права», 2009. – 43с.; Гадельшина Л.И. Наделение органов местного самоуправления государственными полномочиями субъекта Российской Федерации и их финансовое обеспечение: конституционно-правовое исследование: Дис. ...кан. юрид. наук. – Казань, 2013. – 241 с.; Гончаров С.В. Институт досрочного прекращения полномочий главы муниципального образования: Дис. ...кан. юрид. наук. – Краснодар, 2014. – 222 с.; Журина И.Г. Можно ли признать саморегулируемую организацию юридическим лицом публичного права? // Адвокат. – 2009. – №6. – С.104-108; Зенков М. Ю. Органы государственной власти и местного самоуправления как юридические лица публичного права: учеб. пособие. – Новосибирск, 2006. – С.90-91; Кондрашов Ю.В. Статус органов местного самоуправления при участии в гражданских правоотношениях: дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2004; Мельников А.П. Система местного управления и самоуправления в КНР // Журнал «Социальные исследования». – 2008. – С.84. Нанба С.Б. Конституционно-правовое регулирование компетенции муниципальных образований: Автореф. дис...кан. юрид. наук. – Москва: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, 2009. – 25 с.; Черкасов А.И. Местное управление в зарубежных странах: модели и тенденции эволюции // Государство и право. – 2011. – № 3. – С.76-85.

<sup>2</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – 503 б.; Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар) – Т.: ТДЮИ, 2005. – 336 б.; Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010.; Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Адолат, 1996. – 296 б.; Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий институционал тузилмалар эволюцияси (тадрижий ривож) муаммолари // Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 8-12; Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 1999. – № 6. – Б. 75–76; Раҳманқулов М.Х. Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики. – Т.: Узбекистан, 1994. – 180 с.; Умаров Т. Ўзбекистон миллий қонунчилигида юридик шахсларнинг ташкил этилишига оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши // Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари. – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б. 131-138.; Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фанлар доктори... дис. автореферати. – Т., 2002.; Тадбиркорлик ҳуқуқи: (Махсус қисм) Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 444 б.; Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 132 б.

Г.Б.Умаровалар<sup>1</sup> томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг муайян жиҳатлари, хусусан уларнинг тарихий ривожланиши, давлат ва жамият ҳаётида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги роли, фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асослари ва ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги каби масалалар ўрганилган бўлса, Д.Аҳмедов, М.Усманова, Ш.Ғазиев ҳамда Х.Хусановалар<sup>2</sup> томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолияти билан боғлиқ йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Юқорида баён этилганлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертациянинг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш» ҳамда «Фуқаролик жамияти ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий

---

<sup>1</sup> Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари: Юрид. фанлар доктори ... диссертацияси. – Т.: ЎзРси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, 2001. – 272 б.; Джалилов Ш.И. Реформа местных органов государственной власти в Узбекистане (1990-1994 гг.): Дис...докт.юринд.наук. – Ташкент: ТГЮИ, 1994. – 265 с.; Жалилов Ш. Маҳалла янгилаш даврида. – Т.: Мехнат, 1995. –70 б.; Ўша муаллиф. Кучли давлатдан – кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 160 б.; Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолари: Юрид. фан. докт....дис. – Т.: 1995. – 278 б.; Маликова Г.Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари: Юрид.фан.докт....дис. – Т.: 2009. – 247 б.; Исмаилова Г.С. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз....дис. – Т.: 2005. – 174 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. – Т.: Akademiya, 2013. – Б.60.; Рўзиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари /Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор Ш.И.Жалилов. – Тошкент: «Истиқлол нури», 2016.; Дадашева А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши (назария ва амалиёт): Юрид. фан. номз.... дис. автореф. – Т.: ЎзМУ босмаҳонаси, 2008. –27 б.; Олломов Я. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – халқ ҳокимиятчилиги асоси. – Т.: «Sharq», 2006.; Олламов Я, Саидова Х. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи: назария ва амалиёт масалалари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 313 б.; Реймова З. Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми: Юрид.фан.номз....дис. – Т.: ТДЮИ, 2004. – 136 б.; Сувонкулов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: Юрид.фан.номз....дис. – Т.: 2002. – 169 б.; Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 194 б.; Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи (1991-2001): Тарих фан.номз.... дис. автореф.– Т.: ЎзМУ, 2002. – 26 б.

<sup>2</sup> Аҳмедов Д.К. Ўзбекистонда давлат ижтимоий ҳимояси: ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри....дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 36 б.; Усманова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри....дис. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 293 б.; Ғазиев Ш.М. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолиятини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз....дис. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 164 б.; Хусанова Х.Т. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофазалашни тартибга солишда маҳаллий ўзини ўзи бошқарувининг роли: Соц.фан.номз....дис.автореф. – Т.: ЎзМУ, 2009. – 26 б.

негизларини такомиллаштириш» мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича умумназарий хулосалар ва қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганиш ва таҳлил этиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс сифатида тушунчаси ва белгиларини тадқиқ этиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг турлари ва улар фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш;

юридик шахс сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш тартиб-таомилларининг ўзига хос хусусиятларига тавсиф бериш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиқ бериш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги асослари ва уларни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш;

хорижий давлатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ халқаро ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари, илмий доктрина ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, анализ ва синтез, умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, формал-юридик таҳлил, социологик сўровлар ўтказиш, статистик маълумотларни ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Диссертация иши доирасида республикамизнинг 12 та ҳудудида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ўртасида анкета сўровлари ўтказилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этади; ўз фаолиятига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантиради; фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот фондидан фойдаланишини таъминлайди, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкинлигига оид қоида-талабларни белгилаш асослаб берилган;

фуқаролар йиғинининг тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, шунингдек экин майдонларидан самарали фойдаланилиши ва ерларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби ваколатларини белгилаш асослаб берилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинишига оид ҳолатларни белгилаш асослаб берилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли эканлигига оид қоида-талабларни белгилаш асослаб берилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли эканлигига оид қоида-талабларни белгилаш асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан шахснинг яшаш жойи бўйича (прописка қилинганлиги) яшаётганлиги, ишсизлиги, болани, ёлғиз шахсларни, пенсионерларни ва ногиронларни парвариш қилганлиги фактларини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳамда шахсга тавсифнома

тақдим этиш тартибини бекор қилиш ҳақидаги таклифлар аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга, фуқаролар йиғинларининг ушбу соҳадаги фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади;

фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги таклиф «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талабларини амалиётга тўлақонли тадбиқ этиш имкониятини яратади;

давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига услубий-амалий кўмаклашиш тизимини жорий этиш ҳамда уларни фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик тузилмаларига бириктириш тўғрисидаги таклифлар уларнинг ўзаро боғлиқ бўлган вазифалари ижросини тўлақонли таъминлашга ҳамда ҳамкорликларини янада ривожлантиришга хизмат қилади;

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунда назарда тутилган фуқаролар йиғинлари томонидан айрим «кўмаклашиш» функцияларини ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотларига ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, пудрат шартномалари орқали амалга оширилишини белгилаш зарурлиги ҳақидаги таклиф маҳаллаларнинг молиявий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш имконини яратади;

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси қоидаларини ўзаро мувофиқлаштириш лозимлиги, бунда ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб туриш ваколатига фақат халқ вакилларидан иборат бўлган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига эга бўлиши лозимлигини қонунчиликда белгилашга оид таклиф «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги», «фуқаролар йиғинлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмаслиги»ни назарда тутувчи ҳуқуқий нормаларни таъминлашга хизмат қилади;

фуқаролар йиғинларининг қонунчиликда белгиланган ва шартнома асосида амалга оширилиши лозим бўлган ваколатларини амалда самарали ижросини таъминлаш мақсадида намунавий фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни тузиш ва риоя қилиш механизмлари бўйича услубий тавсияларни тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш тўғрисидаги таклиф улар фаолиятида «шартномалар тузиш ва унга амал қилиш маданияти»ни юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади;

маҳалла институтининг «юримдик шахс» мақомига эга эканлигини ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари турлари (шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари)нинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини қонунчиликда белгилаш лозимлиги ҳақидаги таклиф уларнинг ижтимоий

муносабатларда тўлақонли субъект сифатида иштирок этиш имконини беради;

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги шакллари ва уларни амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилаш тўғрисидаги таклиф ҳудудларни, шу жумладан маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорликларини таъминлашга хизмат қилади;

фуқаролар йиғинларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ҳудудида тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш ваколатидан самарали фойдаланиш тизимини жорий этиш ҳамда ушбу ваколатдан фойдаланишни иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг янги усули «ижтимоий тадбиркорлик» сифатида эътироф этиш ҳақидаги таклифлар маҳалла институтининг таълим-тарбия, маънавият соҳаларидаги вазифалардан кўзланган мақсадга эришишни назарда тутувчи ташаббускор фаолият сифатида янада кенгайтиришга шароит яратади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета сўрови шаклига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациянинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонунчилиги ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, улар иштирокида тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, юридик шахсларнинг турлари билан боғлиқ мавзуларда янги илмий-тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми тартибга солувчи миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришда, шунингдек олий юридик таълим муассасаларида «Фуқаролик ҳуқуқи», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи» фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, фуқаролар йиғинлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларидаги

машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация иши натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг иштирокига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-443-сон «Хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 14 октябрдаги №06/2-07-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг хукуқий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-506-сон «Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 14 октябрдаги №06/2-07-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш фаолиятининг хукуқий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январдаги ЎРҚ-513-сон «Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 14 октябрдаги №06/2-07-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши фуқаролар йиғинлари манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла институтининг жамиятдаги нуфузини янада ошириш имконини бермоқда;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилиши устидан назорат қилишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 августдаги ЎРҚ-559-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг

2019 йил 14 октябрдаги №06/2-07-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 августдаги ЎРҚ-559-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 14 октябрдаги №06/2-07-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати фаолиятини кучайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан журналларда 9 та (халқаро 1 та) мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 3 та боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 154 саҳифадан иборат матн, 12 та иловадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомининг умумий тавсифи**» деб номланиб, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини ҳуқуқий тартибга солиниши, ушбу жараённинг тарихий-ҳуқуқий таҳлили, фуқаролар йиғинларининг юридик шахс сифатида тушунчаси ва белгилари, турлари ҳамда улар фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Диссертацияда фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули – маҳалла институти Ўзбекистонда азалдан чинакам миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлганлиги, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есир бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар маҳалла муҳитида шаклланганлиги таъкидланади.

Изланувчи ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли узоқ тарихий ривожланиш ҳосиласи бўлиб, унинг шаклланиши инсоният бирлашиб яшай бошлаган бронза даври (м.а. 3-2 минг йилликлар) билан боғлиқ эканлиги, дастлабки шаҳарларни вужудга келишида ҳам айнан маҳаллалар асос бўлганлиги кўплаб мутаффакирлар (Абу Наср Форобий, Абу Бакр Наршахий, ал-Бухорий, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, А.Навоий, С.Айний) ҳамда ҳуқуқшунос ва тарихчи олимлар, социологлар (Ҳ.Раҳмонқулов, Т.Даминов, Т.Долимов, Ҳ.Бобоев, Ш.Жалилов, М.Аминов, И.Жабборов, А.Дадашева, З.Рўзиев, Л.Левитин, С.Ҳасанов, Т.Карим, С.Каримов, М.Хайруллаев) фикр-мулоҳазаларини ўрганади ва таҳлил қилади. Ўрганиш натижалари асосида дастлабки ўзини ўзи бошқариш тизимини ҳозирги замонавий ҳуқуқий атамалар билан таърифлаганда моддий тақсимот молиявий асоснинг ўзига хос кўриниши сифатида эътироф этишга асос бўлиб хизмат қилади, деган хулосани илгари суради.

Муаллиф илмий адабиётларда «қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс мақомига эга ёки эга эмаслиги аниқ белгиланмаганлиги», «юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш деган тушунча мазкур органнинг ҳақиқатан ҳам юридик шахс эканлигидан тўлиқ дарак бермаслиги» (Ҳ.Раҳмонқулов), «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши тўғрисидагина эмас, балки юридик шахс сифатида эътироф этиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозимлиги» (Г.Р.Маликова) тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазаларни, шунингдек юридик шахс тушунчаси ва белгиларига фуқаролар йиғинларининг жавоб бериши масалалари юзасидан ФКнинг 39-моддаси талаблари ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қоидаларини ўзаро қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилади.

Таҳлил натижаларига кўра, қонунчиликда фуқаролар йиғинларининг «юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш»нинг белгиланганлиги унинг юридик шахс мақомига тўлақонли эга эмаслиги ва ашёларнинг тақдирини юридик жиҳатдан ҳал этиш, тасарруф этишни англамаслиги, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига ҳам ижобий таъсирни, қўтилган натижани бермаслиги, фуқаролар йиғинлари иштирокидаги шартномавий низоларни судда кўришда муайян келишмовчиликларга олиб келиши мумкинлиги асослантирилади.

Изланувчининг фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини – маҳалла институтининг «юридик шахс» мақомига эга эканлигини қонунчиликда аниқ ифодалашни тақозо этади ҳамда «Фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш зарур:

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Давлат хизматлари марказларида ҳисобга олинган кундан эътиборан юридик шахс мақомига ва белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади».

Муаллиф нуқтаи назарига кўра, мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил давом эттириш мақсадида, *биринчидан*, фуқаролар йиғинларининг коммунал хизматлар ҳақи аҳоли томонидан ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўланишини таъминлашга шартнома асосида кўмаклашишларида ушбу хизматлар учун жорий тўловлар бўйича тушумлар режаси 100 фоиз бажарилган тақдирда хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдорида ажратмалар бериш ҳамда ушбу имтиёзни ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлақонли қўллашга қаратилган механизмларни яратиш, *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан фуқаролар йиғинлари учун грант танловларини мунтазам равишда ташкил этиш ва ўтказиш, *учинчидан*, фуқаролар йиғинлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш (турли маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар тақдим этиш кабилар)ни ҳақ эвазига амалга ошириш орқали улар фаолиятининг молиявий асосларини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш лозимлигини асослаб беради.

Диссертацияда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг турлари ва улар фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилади ҳамда М.Бойдадаев, Ш.Жалилов, О.Ҳусанов, Г.Маликова, Н.Нарматов каби олимларнинг фикрлари таҳлил этилади.

Тадқиқотчи томонидан ушбу йўналишда фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилади:

*биринчидан*, фуқаролар йиғинининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ҳудудида тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш ваколатидан самарали фойдаланиш амалиёти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида шаклланмаганлиги, бунинг асосий сабаби фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу ваколатни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи тартиб-таомилларнинг йўқлиги.

Ушбу ваколатдан фойдаланишни иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг янги усули «ижтимоий тадбиркорлик» сифатида эътироф этиш ҳамда маҳалла институтининг таълим-тарбия, маънавият соҳаларидаги вазифалардан кўзланган мақсадга эришишни назарда тутувчи ташаббускор фаолият сифатида янада кенгайтириш механизмларини қонунчиликда белгилаш зарур;

*иккинчидан*, фуқаролар йиғинининг ҳудуд доирасида жойлашган (яшаётган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида белгиланган тартибда кафил бўлишлари билан боғлиқ ваколатни амалга ошириш механизмларини белгилаш лозим. Зеро, амалиётда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида кафил бўлишларини камдан-кам кузатиш мумкин.

Изланувчининг фикрича, ушбу ваколатдан тўлақонли фойдаланиш фуқаролар йиғинлари фаолиятининг молиявий асосларини шакллантириш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ҳамда қонун ҳужжатларида аниқ белгилаш билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Айти пайтда «Маҳалла» фонди маблағлари ҳисобидан фуқаролар йиғинларининг молиявий маблағларини шакллантириш механизмларини жорий этиш ёхуд Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш лозим;

*учинчидан*, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида фуқаролар йиғинининг раисига эгасиз мол-мулкни сақлаш бўйича чора-тадбирларни кўриш ваколатидан самарали фойдаланишга қаратилган тартибни ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Бунинг учун амалдаги «Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёхуд алоҳида махсус «Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мулкига ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш зарур.

Диссертациянинг **«Юридик шахс сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ўзига хос жиҳатлари»** деб номланган иккинчи бобида юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинларини ташкил этиш тартиб-таомилларининг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишига доир масалалар таҳлил этилади.

Изланувчининг нуқтаи назарига кўра, кейинги йилларда чет эллик ҳуқуқшунос олимлар (В.Е.Чиркин, В.В.Бараненков, В.А.Болдырев, И.В.Бабичев, О.Л.Расказов, И.Г.Журина, Н.В.Козлова, М.Ю.Зенков) томонидан оммавий ҳуқуқда юридик шахс институти тадқиқ этилаётганлиги, мазкур ҳуқуқий конструкция хорижий давлатларнинг (Германия, Голландия, Франция, Грузия, Молдова, Эстония) қонунчилигида кенг қўлланилмоқда. Шу боисдан, миллий юридик фанда ҳам мазкур конструкцияни ҳуқуқ тизимига киритишнинг истиқболлари, оммавий ҳуқуқда ва хусусий ҳуқуқда юридик шахс институтининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда фарқли жиҳатлари ҳақида тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот ишида юридик шахсларни ташкил этишнинг фармойиш бериш, рухсат бериш, хабардор қилиш ёки юридик шахс муассисларининг мурожаат қилиш каби қонунчиликда белгиланган усуллари ҳамда юридик

адабиётларда (Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Ф.К.Қутлимуратов, А.К.Губаев, Н.Д.Егоров, А.П.Сергеев) илгари сурилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида фуқаролар йиғинларини мурожаат қилиш тартибида ташкил этиладиган юридик шахслар сифатида белгилаш мумкинлиги асослантирилади.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллани ташкил этиш ваколати халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар зиммасига юклатилганлиги боис, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомда уларни ташкил этиш тўғрисидаги «тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори» жумласини «тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори» тарзида ифодалашни тақозо этади. Шунингдек, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш ва ҳисобга олишнинг барча босқичларида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларнинг иштирокини қонунчиликда белгилаш лозим.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинини қайта ташкил этиш уни қўшиб юбориш (яъни, бошқа фуқаролар йиғинлари билан бирлаштириш), фуқаролар йиғинини қўшиб олиш (хусусан, бошқа фуқаролар йиғини таркибига киритиш), бўлиш (унинг ўрнига иккита ёки бир неча фуқаролар йиғинини ташкил этиш), ажратиб чиқариш (битта фуқаролар йиғинидан яна битта ёки бир неча фуқаролар йиғинлари ажралиб чиқиши), ўзгартириш (хусусан, ушбу ҳудудда бир нечта маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этиш) орқали амалга ошириш жараёнлари таҳлил этилади.

